



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Россия делегацияси Ўзбекистон ва Россия ҳукумат раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссиянинг бешинчи йиғилиши доирасида мамлакатимизда бўлди. Учрашув аввалида Михаил Мишустин давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий салом ва эзгу тилакларини етказди.

Музокаралар давомида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Россия Президентининг жорий йил 26-28 май кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида қабул қилинган қарор ва келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, Қўшма комиссиянинг куни кеча ўтказилган навбатдаги йиғилишининг самарали натижалари юқори баҳоланди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва иқтисодиётнинг бошқа устувор соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жадаллаштириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудлар даражасида амалий ҳамкорликни янада кучайтириш, жадал маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш, миграция соҳасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим эканини қайд этди.

Шунингдек, учрашув давомида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИДА ТАБИАТ ВА МАДАНИЯТ УЙҒУНЛАШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг Янги Ўзбекистон кўчаси ҳамда Олимпия шаҳарчасидаги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.

Узунлиги 11 километр, эни 86 метр бўлган бу кўча сўнгги йилларда энг катта йўللardan бирига айланди. Шаҳарнинг кенгайиши ва Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятидан келиб чиқилса, унинг келажаги ҳам истиқболли.

Шу боис, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 июндаги қарорига асосан, Янги Ўзбекистон кўчасида ишбилармонлик маркази қурилиши ва йўли бўйи инфратузилмаси ривожлантирилиши белгиланган эди. Унга мувофиқ, дирекция тузилиб, меъморий концепция ишлаб чиқилди.

Лойиҳага кўра, кўчанинг икки томонида миллий руҳга уйғун замонавий турар жойлар, меҳмонхона, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилади. Сайилгоҳ ва кўнгилочар масканлар, пийда ва велосипед йўлакчалари ташкил этилади.

Маълумки, бу ерда “Тошкент — Шарқий” аэропорти ва Олимпия шаҳарчаси ҳам қурилмоқда. Президентимиз ушбу ишотлар атрофини ҳамда уларга олиб борувчи йўл бўйини кўламазорлаштириш бўйича кўрсатма берган эди.

Бу галги ташриф чоғида шу борадаги ландшафт дизайни таклифлари кўриб чиқилди. Унга кўра, Янги Ўзбекистон кўчасининг икки тарафи янада обод қилинади. Чинор, эман, лола дарахти, каталпа, писардия, кипарис, ҳинд настарини, лаванда, Сурия атиргули каби дарахт ва буталар декоратив шаклда экилади. Аэропорт олдида иккита фаввора барпо этилади. Умуман, бу ҳудуд Тошкентнинг “яшил белбоғи”нинг бир қисми бўлади.

Давлатимиз раҳбари ландшафт композицияси бўйича ўз тавсияларини билдирди. Бу ерда экология, сифат ва маданият уйғунлашиши кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Олимпия шаҳарчаси қурилишини бориб кўрди.

Бу улкан мажмуа келгуси йил юртимизда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасида Осиё ва Параосиё ўйинлари учун қурилмоқда.

Мусобақалар Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан тан олинган 29 та спорт тури бўйича ўтказилади. Уларда қўшмаимизнинг 45 та давлатидан 3 мингдан зиёд спортчи иштирок этиши кутилмоқда.

ЎЗА

# ШАРХ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ — ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамияти институтларига алоҳида боб ажратилди. Жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосларини ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Яқиндагина Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриғида бундан буён ҳам нодавлат ташкилотларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши алоҳида қайд этилган эди.

Албатта, ушбу таъкид бежиз айтилмади. Сабаби, кейинги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Пировардида 20 дан зиёд қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

► Давоми 3-бетда



# Фарғона вилояти: ВОДИЙ ГАВҲАРИ

Хар соҳада фаол ва фидойи фарғоналиклар меҳнати самараси ҳақида

## Тараққиёт одимлари

Бугун кўҳна Фарғонанинг қай бир ҳудудида бўлиб, ким билан гаплашсангиз, юрт тараққиёти, фаровонлик йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ўз хаёти, оиласи, маҳалласи, қўни-қўшниси, яқинлари мисолида кўриб турганини мамнуният билан эътироф этади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида вилоятда тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошиб, бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб борапти.

Таҳлилларга қараганда, вилоят аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 88 минг нафарга кўпаймоқда. Бу қўшимча 40 та мактаб, 100 та боғча, 20 та шифохона, 4 минг хонадонли уй-жой ва 50 мингта иш ўрнига эҳтиёж мавжудлигини англатади. Улар нималар ҳисобига қопланади? Албатта,

саноат салоҳиятини ривожлантириш, инвестиция ва инвесторлар оқимини кўпайтириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали мавжуд масалаларга ечим топиш мумкин.

► Давоми 4-бетда



# ЖАСИМ БИН МУҲАММАД АЛ-БУДАЙВИЙ: “КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР БАРЧА УЧУН ЁРҚИН НАМУНА БЎЛМОҚДА”

Ҳамкорлик кенгаши бош котиби “Дунё” ахборот агентлиги учун берган интервьюсида Ташкилот ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

— Жаноб Будаивий, Ўзбекистон билан Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ўртасидаги муносабатлар истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— Аввало, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларини, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини яқинда кенг нишонланган мамлакатингиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Шунингдек, сизларга

тинчлик, барқарорлик ва янада муваффақиятли тараққиёт тилайман.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга келсак, улар барча учун намуна саналади. Ҳар икки томон ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга содиқ,

► Давоми 2-бетда

# ЖАСИМ БИН МУҲАММАД АЛ-БУДАЙВИЙ: “КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР БАРЧА УЧУН ЁРҚИН НАМУНА БЎЛМОҚДА”

## Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг 15 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган учрашувдаги мулоқотимиз чоғида ул зотга ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришга кўрсатаётган эътибори учун чуқур миннатдорлик билдирган эдим.

Дарҳақиқат, Кўрфаз араб давлатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг қисқача шарҳи сифатида 2021 йил октябрь ойида ўзаро Англашув меморандуми имзоланганини алоҳида қайд этиш керак. 2022 йил июль ойида икки томон расмийлари ўртасида муҳим учрашув бўлиб ўтди ва унда ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларини қамраб олган “Ҳаракатлар режаси”ни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу келишув асосида сиёсат ва хавфсизлик, инвестиция, халқ дипломатияси, туризм, шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда.



муносабатларни мустаҳкамлаш жиҳатларига тўлиқ мос келади. Ҳамкорлик учун қўллаб соҳалар мавжуд бўлса-да, ихтисослашган гуруҳлар ҳар икки томон учун энг катта фойда келтирадиган муҳим тармоқларни танлайди. Умид қиламизки, олий даражадаги бўлажак саммит муносабатларни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

— “Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши — Марказий Осиё” стратегик мулоқотининг самарадор-



Учрашувлар ва музокаралар юзасидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган мулоқотимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Давлатингиз раҳбарининг ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истаги кучли эканлигини қадрлайман. Мазкур учрашувлар жуда самарали ва конструктив руҳда кечди.

Бу соҳаларнинг барчаси икки томон халқларининг тараққиёти ва манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Юқорида қайд этганингиздек, ўзаро муносабатларимиз сезиларли даражада фаоллашмоқда. Шу билан бирга, 2025 йилда Самарқанд шаҳрида давлатлар раҳбарлари даражасидаги иккинчи саммитга тайёргарлик кўрилмақда. Айтинг-чи, ўзаро ҳамкорлиқнинг яна қайси йўналишларини энг истиқболли деб ҳисоблайсиз?

— Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатларининг навбатдаги саммити икки минтақа ўртасидаги стратегик шериклиқни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Бу 2024 йил 15 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган вазирлар йиғилишида эълон қилинган Қўша баёнотда қайд этилган томонлар ўртасидаги ҳамкорлик ва

лиги ҳақида сўрамоқчи эдик. Ушбу форматнинг долзарблигини нимада кўриш мумкин?

— Кўрфаз ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги стратегик мулоқот ўзаро англашув ҳамда шериклик алоқаларини мустаҳкамлашнинг асосий платформасини ифодалайди. Унинг аҳамияти халқаро майдонда икки муҳим минтақа ўртасида кўприк яратиш, шунингдек, турли соҳаларда муносабатларни мустаҳкамлашда намоён бўляпти.

Жумладан:

— минтақавий ва глобал барқарорликка кўмаклашиш. Бу Кўрфаз ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида алоқа кўприкларини бунёд этиш, хавфсизлик ва сиёсий масалаларнинг умумий жиҳатлари бўйича фикр алмашиш ва мувофиқлаштиришга ёрдам беради;

— энергияга бой икки минтақа ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг янги уфқларини очиш орқали иқтисодий

шериклиқни кенгайтириш. Ушбу жаҳадаги мустаҳкам алоқалар иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшади ва қўллаб имкониятлар яратлади;

— барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик. Ушбу мулоқот орқали иштирокчи давлатлар қайта тикландиган энергия, технология ва таълим каби соҳаларда тажриба алмашишлари мумкин;

— икки минтақа халқлари ўртасида маданий алмашинувни мустаҳкамлаш. Ушбу муҳим йўналиш улар ўртасида чуқурроқ ва бой инсоний муносабатларни ўрнатишга кўмаклашади.

— Фаолиятингиз давомида Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюргансиз. Юртимиз ҳақидаги таассуротларингиз ҳамда фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон бой тарих ва маданиятга эга, буни мен ташриф буюрган Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарлардаги мухташам тарихий обидалар тасдиқлайди. Ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги, меҳрибонлиги ва самимийлиги билан ажралиб туради. Бу хислатлар юртингизда бизни илқ кўтиб олиш жараёнида яққол намоён бўлди.

Учрашувлар ва музокаралар юзасидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган мулоқотимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Давлатингиз раҳбарининг ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истаги кучли эканлигини қадрлайман. Мазкур учрашувлар жуда самарали ва конструктив руҳда кечди. Биз Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва Ўзбекистон учун умумий манфаатларга эга қўллаб масалаларни, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, энергетика, таълим ва технология соҳаларида шериклиқни кенгайтиришни муҳокама қилдик. Ташрифлар ва учрашувлар ҳам икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, уларни стратегик шериклиқнинг янги bosқичига олиб чиқишга чин дилдан интилаётганимизни намоён этади. Икки томон манфаатларини илгари сурадиган қўша ҳамкорлик учун салмоқли салоҳият мавжудлигини ҳам тасдиқлайман.

Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга, бой маданий меросга эга ва унинг келажаги муваффақиятлар ҳамда янги ғалабаларга тўла бўлишига ишонаман. Кўрфаз мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро дўстлик ришталари янада мустаҳкамлансин!

Биз улкан тараққиёт ва халқларимиз фаровонлигига эришиш учун камарбаста бўлишда давом этамиз.

“Дунё” АА  
Ar-Puёz

# ЭНДИ ҲАР БИР ОВОЗ АҲАМИЯТЛИ

Ахрор ҲОШИМХОНОВ,  
Тошкент давлат юридик университети биринчи проректори

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, хохиш-иродасини эркин ифодалашда сайлов жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, сайлов демократиянинг энг муҳим институти сифатида фуқаролар ва мамлакат сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаронинг сайловда фаол иштирок этган ҳолда муносиб номзодга овоз бериши нафақат мамлакатнинг келажақдаги ривожланишига, балки фуқароларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи яхшиланишига ҳам бевосита боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир фуқаронинг ўз бурчига жиддий ёндашиб, муносиб танловини масъулият билан амалга ошириши давлат ва жамиятнинг бутуни ва келажаги учун ҳам ғоят муҳим саналади.

Жорий йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказилади, 26 июль куни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси бошланганини эълон қилганди. Жорий йилнинг 15 август кунига қадар сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлашга қаратилган имзо тўплаш жараёни фаол равишда ўтказилди. Минглаб фуқароларимиз фуқаролик позициясини фаол кўрсатган ҳолда мазкур жараёнларда иштирок этди. Шундан келиб чиқиб, сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссиясига имзо варақалари топширилиб, белгиланган тартибда текширилди.

Жорий йилги сайлов қонунчилик тизимидаги қатор ҳуқуқий ислохотлар асосида, ўзида бир қанча ижобий жиҳатларни қамраб олган аралаш сайлов тизими асосида ўтказилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2023 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун мазкур янги сайлов тизимининг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлди. Ушбу конституциявий қонун билан Сайлов кодекси ҳамда 7 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, сайлов тизими ва уни ўтказиш тартиблари белгилаб берилди.

Шу жиҳатдан Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган жорий йилги сайлов олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, нафақат янгиланган конституциявий-ҳуқуқий муҳитда ташкил этилаётгани, шу билан бирга, янги тартиб — аралаш сайлов тизими асосида ўтказилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳўш, аралаш сайлов тизими асосидаги бу йилги сайлов қандай ташкил этилади? Мазкур масалада қандай ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди?

Аралаш сайлов тизимига ўтилиши муносабати билан Сайлов кодексига сайловларнинг мажоритар ва пропорционал тизимини назарда тутувчи қоидалар киритилган бўлиб, эндиликда 150 депутатдан иборат бўлган Қонунчилик палатасининг 75 депутати бир мандатли сайлов округи бўйича, қолган 75 нафари эса партия рўйхати асосида шакллантирилади. Бу борада сайлов округлари етмиш бешта ҳудудий бир мандатли ҳамда ягона сайлов округига бўлинади. Бунда партия рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг 75 депутати олдинги мажоритар тизим асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари партия рўйхати бўйича янги пропорционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши белгиланди.

Бугунги кунга қадар мамлакатимизда сайлов мажоритар тизим асосида ўтказилган. **Мажоритар тизимда** сайлов жараёнлари яқунларига қўра, кўп овоз олган номзод муайян округ бўйича сайланган ҳисобланади. Бунда овозларнинг умумий сонидан мутлақ кўп овоз олган номзод сайланган деб эътироф этилади. Бошқача айтганда, ўз рақибларининг ҳар бирига нисбатан кўп овоз олган номзод ғолиб бўлади.

**Пропорционал сайлов тизимида** сайловларни аниқ бир шахсга эмас, балки сиёсий партияга овоз беради. Бунда ҳар бир партия сайлов жараёнларида ўз вакиллари рўйхатини илгари суриб, сайловчилар мазкур вакиллар рўйхати учун овоз беради. Содда қилиб айтганда, сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Мазкур тизимнинг асосий ижобий жиҳатларидан бири сифатида унинг сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга, партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилганини айтиш мумкин.

**Аралаш сайлов тизимида** депутатлик мандатларининг бир қисми ҳукуматнинг барқарор шаклланишига ҳисса қўшадиган мажоритар тизим тамойиллари бўйича, иккинчи қисми эса пропорционал тизим тамойилларига мувофиқ тақсимланади. Бу жиҳат овозларни тўлиқроқ ҳисобга олиш ва мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ҳақиқий манзарасини аниқроқ акс эттиради.

Шу билан бирга, аралаш сайлов тизимида вакиллик органларига сайланган депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги

алоқани таъминлаш ҳамда партияларга ўзлари олган овозларга мутаносиб депутатлик мандатларини қўлга киритиш имконияти яратилади. Мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг ютуқларини уйғунлаштирувчи ва бир-бирини тўлдирувчи аралаш сайлов тизими бугунги кунда дунё мамлакатларида тобора оммалашиб бораётганини кузатиш мумкин. Таҳлилларга қўра, Марказий ва Шарқий Европадаги бир қатор давлатларда сўнгги йилларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг энг ижобий жиҳатларини уйғунлаштирган аралаш сайлов тизимини жорий қилиш тенденцияси кучайиб бормоқда.

Бундан ташқари, аралаш сайлов тизими ҳозир Германия, Испания, Япония, Венгрия, Австралия, Янги Зеландия, Албания, Жанубий Корея, Литва, Мексика, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия каби 40 га яқин давлатда амал қилмоқда.

Қонунчиликдаги ўзгаришларга асосан, куйидаги янги тартиблар белгиланганини ҳам айтиш мумкин:

— партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши;

— депутатлик ўринлари сони аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;

— хориздаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Қонунчилик палатаси сайловида пропорционал тизим бўйича овоз беришда иштирок этиши;

— пропорционал сайлов тизимида сиёсий партиялар сайловчиларнинг камида 7 фойз овозини олган тақдирда уларга депутатлик ўринлари берилиши;

— Қонунчилик палатасида фракция тузиши мумкин бўлган депутатлар сони тўққиз нафардан беш нафарга туширилиши;

— ҳудудий сайлов комиссияларининг уч нафаргача бўлган аъзосининг доимий фаолият юритиши;

— Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари сони етти нафардан тўққиз нафарга оширилиши.

Умуман олганда, мамлакат сиёсий ҳаётида сайлов институтининг ўрни ва роли жуда юқори. У асосида фуқароларнинг бугунги замонавий давлат бошқарувида иштирок этиш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш муҳим саналади. Мамлакатимизда жорий этилган аралаш сайлов тизими сайлов жараёнларининг барча иштирокчиларига қатор ижобий имкониятлар бериши, фуқаролар, партияларнинг сиёсий фаолигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

## Инсон қадри учун



Бориға шукр, йўғига қаноат қилиб яшайдиган халқмиз. Бундан узоқ бўлмаган йилларда бориш қийин қишлоқларни қўя туринг, марказга яқин манзиллар аҳолиси ҳам оддий муаммолар гирдобида турумш кечирарди. Бугун эса вазият тубдан ўзгариб, инсон қадрини улуғлаш масаласи энг чекка, энг олис ҳудудларни ҳам қамраб олаётгир.

Чунки энди дардингизни бирор ташкилот ёки корхона эшитмаса, сизни тинглайдиган, масаланизни хал этиб берадиган давлат бор. Энди аввалгидек муружаат ерга сингиб кетмаслиги ёки ҳавода муаллақ қолмаслигини одамлар ҳам, хизмат кўрсатувчи корхона ташкилот раҳбарлари ҳам яхши билади.

Яна бир масала. Энг кўп муаммолар қурувида қолувчи қатлам — имконияти чекланган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи бугунги кунда ҳар бир давлат идорасининг энг устувор вазифаларидан бирига айланган.

“Ижтимоий ҳимоя” миллий агентлиги кўмакка муҳтож шахсларнинг ижтимоий ҳимояланиш механизмини оила, маҳалла даражасида ташкил этиш, комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш борисида самарга эришмоқда.

— “Маҳалла еттилиги” таркибига киритилган ижтимоий ходимлар маҳалла-

ларда эътиборга муҳтож, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган ва имконияти чекланган инсонларга ҳақиқий кўмак берадиган, уларни ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси бўлишда қўллаб-қувватлайдиган шахс сифатида иш бошлади, — дейди Денов туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари Эркин Жабборов. — Ижтимоий ходимлар нафақат аҳоли муаммоларига ечим излашда кўмакчи, балки улар оғир аҳволга тушиб қолишнинг олдини олишга, шунингдек, ижтимоий ҳимоя манзиллиги ва самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Энди бу орқали кишилар ҳар бир муружаатнинг сўрови, суриштируви борлигини чуқур ҳис этмоқда. Яна бир гапни айтиш керакки, жойлардаги қўллаб муаммолар ижтимоий ходимлар ташаббуси асосида аҳоли муружаатларисиз ҳам босқичма-босқич ҳал этилмоқда.

# Ижтимоий ҳимоя тизими: АВВАЛ МУҲТОЖ ЭДИ, ҲОЗИР МУҲТОЖЛАРГА ЁРДАМ БЕРЯПТИ



Масалан, Термиз тумани Амир Темур маҳалласидаги ижтимоий ходим томонидан оиаларни хатловдан ўтказиш жараёнида ҳудуддаги 2-гурух ногиронлиги бўлган 2 фуқаро хонадонига борилди. Муаммолари ўрганилганда, бу юртдошларимиз ишлаш истагини билдирди. Ижтимоий ходим ўз

ташаббуси билан “ижтимоий иш”ни очиб ҳамда индивидуал ижтимоий хизматлар режасини тузиш учун дастлабки баҳолаш ўтказишни амалга оширди.

— Бу икки фуқарога маҳалладаги 17-умумтаълим мактабига ишга киришда керакли ҳужжатларни “АРГОС” платформаси

орқали топширишига кўмаклашилди. Улар суҳбатдан ўтиб, бугунги кунда ишламоқда. Бу каби мисоллари кўп, — дейди Термиз туманидаги Амир Темур маҳалласи ижтимоий ходими Моҳиша Раҳматова.

Айни пайтда Узун туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож 13 минг 872 киши яшайди. Уларнинг 4414 нафари кам таъминлангани учун нафақа олади. 7236 нафари эса ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатига олинган. Узун тумани ҳокимлиги ва марказ ҳамкорлигида ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга ногиронлиги бўлган иккитадан шахсининг бандлигини таъминлаш масаласи қўйилган.

Шунингдек, янги тизим жорий этилгунча туманда паспорт билан боғлиқ муаммога эга ногиронлиги бўлган шахслар сони 6 нафари ташкил этган бўлса, марказ ёрдамида паспорт олишга жалб этилганлар қарийб юз нафардан ошди.

Шу туманда яшовчи Бахтинисо Атоева турмуш ўрғотидан ажралган ва 3 фарзандини боқиб зиммасида эди.

— Ҳаётда жуда қийналардим, сабаби фарзандларим жуда ёш. Мактабгача таълим ташкилотига ишласам-да, ойлигим кам, зўрга кун ўтказишга етарди. У ойдан бу ойга қарзга чиқиб қолардим. Туманда

ги ўзим яшайдиган Гулистон маҳалласи масъуллаига бориб, моддий ёрдам масаласида учрашдим. Болаларнинг нафақасини олишга борганимда, у ерда мени маҳалладаги ижтимоий ходим Ҳадича опа кутиб олиб, муаммоларимни эшитди. Олий маълумотли эканимни билганидан сўнг Меҳнат маҳалласида ижтимоий ходим лавозими бўш эканини айтиб қолди. Уша куннинг ўзидаёқ “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига бориб учрашдим. Ҳужжатларимни топширдим ва ишонасизми, суҳбатлардан ўтиб, бугун шу ерда ишляпман. Бошидан ўтказган табиб деганларидек, астойдил ишлашга ҳаракат қиляпман, — дейди Бахтинисо Атоева.

Шундай қилиб, бир муддат аввал ўзи ижтимоий ҳимояга муҳтож Б.Атоева энди ўзи сингари муҳтож фуқароларга хизмат кўрсатишга бел боғлаган.

Меҳнат маҳалласида яшовчи Наргиза Ўсарованинг хонадони маҳалла фаоллари томонидан хатловдан ўтказилганда, 2023 йил турмуш ўрғотган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этгани ва 3 фарзандни ёлғиз боқув келаётгани аниқланди. Бир боласига боқувчисини йўқотганлик нафақаси олиши, тикув машинаси эскилиги сабабли ўзи қизиққан тикувчилик ортдан тирикчилик қила олмаётгани маълум бўлди.

Бахтинисо Атоева ёрдамида Наргиза Ўсаровага субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди.

Бугун юрtdа инсон ҳаёт гавҳари, тенгсиз мўъжиза сифатида улуғланади. Зеро, инсон қачонки муносиб шароитда таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирса, шундагина жамият ва давлат уйғунлиқда барқарор ривожланади. Меҳнаткаш ва танти, келажакка ишончи юқори халқимиз барпо этаётган янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устуналигига мисоллар эса юқорида айтиб ўтилди. Аммо булар қилинаётган ишлардан бир шингил, холос.

Сарвар ТўРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Акбар ТОШҚУЛОВ,  
адлия вазири

Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда яратилаётган қулай шaroитлар натижасида фуқаролар ҳуқуқини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда қарийб 10 мингта нодавлат нотижорат ташкилот эркин фаолият юритмоқда, уларда 70 мингта яқин инсонлар меҳнат қиляпти. Хусусан, тадбиркорлик ва фермерлик йўналишида 664 та, спорт йўналишида 1519 та, ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 652 та, ёшлар йўналишида 650 та, ҳуқуқий-демократик институтларни ривожлантириш соҳасида 839 та, маданият, тарих ва маърифат йўналишида 564 та ННТ мавжуд.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг жадал суръатлари, ўз навбатида, ННТ ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари ролини янада ошириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шaroитлар яратиш заруратини таъкидламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони айнан шу сабабли ҳам муҳим ва айнаи вақтида имзоланган ҳужжат ҳисобланади.

Конституцияга мувофиқ, давлат зиммасига нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида қатор мажбуриятлар юкланган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам халқ хизматлидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислохотлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланган. Шу жумладан, маҳаллий кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштироки учун зарур шaroитларни яратиш,

Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради, хусусан, ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратади, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш таъсирчанлигини оширади.

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news

2024 йил 11 сентябрь, 184-сон

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ — ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш каби демократик ўзгаришлар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ижтимоий шерикликда амалга ошириладиган лойиҳалар сонини камида 3 баробарга кўпайтириш, Давлат дастурларида иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сонини камида 80 тага етказиш каби аниқ вазифалар белгилаб олингани соҳанинг жамият ҳаётидаги асосланган тизимга қаратилганидан далолат бериб турибди.

Мазкур фармон янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг узвий ижросини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизimini, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самардорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шaroитлар яратиш мақсадларини амалга оширишга қаратилгани билан эътиборли.

## Ушбу институтлар давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланади?

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг демократик институционал тизими яратилган, хусусан, Парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари тузилган.

Жумладан, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан сўнгги етти йилда 718 миллиард сўм ажратилди (2008–2016 йилларга солиштирилганда 12 баробар кўп).

Хусусан, Давлат ижтимоий буюртмаси танловлари таълим, тиббиёт, туризм ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, туризм ва спорт, миллатлараро муносабатлар, коррупцияга қарши курашиш, маданият, ОАВ ва матбуот ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 1000 дан ортиқ лойиҳа келиб тушди. Танловлар якунига кўра, 2008–2024 йиллар давомида 207 та давлат ижтимоий буюртмаси 91,6 миллиард сўмга молиялаштирилди.

Кейинги 7 йилда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудда “Нодавлат нотижорат ташкилотлар уйлари” ташкил этилди (350 та ННТ бевулай жойлаштирилди). Сўнгги 3 йилда эса ҳудудий фондлар орқали 83 миллиард сўмлик 1600 та лойиҳа амалга оширилди.

Мазкур ижобий тажриба эътиборга олиниб, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги соҳани ривожлантиришга масъул органларнинг қатор ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Ижтимоий шериклиكنи ривожлантиришга қаратилган қўйидаги механизмлар қўйиш эътибори:



— ҳар йили давлат органлари ижтимоий буюртма танловлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очик мулоқот ўтказилади;

— давлат органларига фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаригача танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилади;

— ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш бўйича дастур қабул қилади.

## Давлат — фуқаролар — ННТлар ҳамкорлиги кучайтирилади

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари тузилган. Бироқ фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизимини жорий қилиш эҳтиёжи мавжуд эди.

Масалан, 2008 йилда Олий Мажлис ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (Фонд) ташкил этилган. Шунингдек, 2018 йили маҳаллий кенгашлар ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари (ҳудудий фондлар) тузилди. Фонд мабағлари Парламент комиссияси ва ҳудудий фондлар мабағлари ижтимоий шериклик бўйича комиссиялар томонидан бошқарилади.

Давлат ижтимоий буюртмаси танловларига таълим, тиббиёт, қурилиш ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, туризм ва спорт, миллатлараро муносабатлар, коррупцияга қарши курашиш, маданият, ОАВ ва матбуот ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 1000 дан ортиқ лойиҳа келиб тушди. Танловлар якунига кўра, 2008–2024 йиллар давомида 207 та давлат ижтимоий буюртмаси 91,6 миллиард сўмга молиялаштирилди.

## Фармонда нималар назарда тутилган?

Фармон билан мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим олпти йўналиши белгилаб берилди.

Эндilikда давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларига фуқаролик жамияти институти вакили расмлик қилади, фаол аъзолари моддий рағбатлантирилади, “Юқалиш” ҳаракати уларнинг фаолиятини баҳолаб боради.

Ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни омаллаштириш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига қўйидаги имтиёзлар берилмоқда:

— давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳалари доирасида даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йил муддатга 50 фоизга камайтирилиб, тежаллар мабағлар лойиҳа мақсадида йўналтирилади;

— 2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ва бошлар ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш учун ундирилладиган давлат бож 2 баробарга камайтирилади;

— ҳомийлик ташкилотларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хайрия пулининг солиқ солинмайдиган миқдори амалдаги



15 миллион сўмдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаригача оширилмоқда.

Фармон билан Адлия вазирлигида жамоатчилик назорати механизмларини янада кенгайтириш юзасидан қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди:

— жамоатчилик назоратининг илгор хорижий тажрибага асосланган таъсирчан шакллари жорий қилини;

— жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш механизми ва тартиб-таомиллари;

— жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра, якуний ҳужжатларни расмийлаштириш, жамоатчилик назорати объектига киришти ва уларни қўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари;

— давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тартибга солиш.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шафдофлигини таъминлашга қаратилган қўйидаги асосий имкониятларни назарда тутувчи ягона электрон платформа ишга туширилади:

— фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик томонидан танловлар йўналишларини шакллантириш ҳамда уларнинг муҳокамасида бевосита иштирок этиш;

— танловларда иштирок этиш учун лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун буюртмаларни юбориш, уларни қўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини кузатиб бориш;

— танлов иштирокчиларидан талаб этиладиган ҳужжатларни электрон платформани давлат органларининг маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали онлайн олиш.

Умуман олганда, мазкур фармон фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқади, мазкур жараёнлар шафдофлигини таъминлашнинг юқори стандартларини белгилайди.

Энг муҳими, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради, хусусан, ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий шaroитлар яратади, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш таъсирчанлигини оширади.

## Нуктаи назар



## Шерзод ЗОКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтини етакчи илмий ҳодими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Хусусий айблов институти айрим категориядаги жиноят ишлари бўйича фақат жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатиладиган, иш қўзғатилганидан сўнг ярашув асосида жиноят ишини тутатиш мумкин бўлган, шунингдек, айбилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб, ишни тутатишга асослар мавжуд бўлса-да, жабрланувчининг талабига кўра, юриртилиши мажбурий бўлган жиноят ишларини қамраб олади.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноят содир этиш орқали бузилган ҳуқуқлар тикланишини таъминлашда хусусий айблов институти алоҳида ўрин тутайди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, хусусий айблов институти фақатгина жиноят ишларига онд ҳолатлар бўйича қўлланилиб, жиноят-процессуал кодексда ифодасини топади.

Хусусий айблов институти мохиятан моддий ва процессуал қонунчилик нормалари

# ХУСУСИЙ АЙБЛОВ МЕХАНИЗМИ УНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИГИ БОР?

Ўзбекистонда муҳим конституциявий тамойил — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳалар, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар кечмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маъмурий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазоларни қайта қўриб чиқиш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни юриртишни янада такомиллаштириш, жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ҳолатлар, яъни хусусий айблов институтини МЖТКга кириртишни таъкидламоқда.

тизимида диспозитивлик, жиноий таъқиб органларининг замонавий тузилмаси, жиноятдан жабрланган шахсларнинг давлат органлари билан муносабати ва улар фаолиятининг мутаносиблиги билан боғлиқ масала ва муаммоларни қамраб олади.

Диспозитивлик умумий-ҳуқуқий принцип сифатида шахснинг фаолият кўрсатиш ёки аксинча, ҳеч нарса қилмаслик борасидаги ҳуқуқдан фойдаланишидаги эркинлиги, танлов қилиш ҳуқуқидир. Яъни муайян процессуал фаолиятни бошлаш, давом эттириш ёки тутатишда ҳуқуқи бузилган деб қаралаётган шахснинг ихтиёридан келиб чиққан ҳолда процессуал ҳаракатларини амалга ошириш ва қарор қабул қилиш зарурлигининг қонунда белгиланишини ва унга амал қилинишини аниқлатади.

Олимларимиз бу борада олиб борган тадқиқотларида ҳам юқорида келтирилган таърифта монанд фикрларни илгари сурган.

Маъмурий-процессуал фаолиятни бошлаш асослари тизимида диспозитив асослар мавжуд бўлиши фаолиятнинг мақсада мувофиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилишининг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Ижтимоий ҳавфлиги юқори ҳисобланган жиноий қилмиш бўйича жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жабрланувчининг аризаси асосидагина (жабрланувчи ноқор аҳолида бўлгани, айбланувчиға қарамлиги тўғрисидаги бошқа сабабларга кўра, ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳоллар бундан мустасно) жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлгани

ҳолда, жиноий қилмишга нисбатан ижтимоий ҳавфлиги кам бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича бундай амалиёт қўлланилмаслиги МЖТКда шахснинг диспозитив ҳуқуқларини акс эттирувчи хусусий айбловга доир нормани киришти зарурлигини кўрсатмоқда.

Хусусий айбловнинг МЖТКга киритилишини қўйидаги ижобий ҳусусиятлар билан изоҳлаш мумкин:

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИ МОХИАТАН МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИ ТИЗИМИДА ДИСПОЗИТИВЛИК, ЖИНОИЙ ТАЪҚИБ ОРГАНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ, ЖИНОЯТДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРИННГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУТАНОСИБИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИК МАСАЛА ВА МУАММОЛАРИ ҚАМРАБ ОЛАДИ.

— маъмурий ишлар юритиши жараёнида демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб, маъмурий процесс иштирокчисига бўлган жабрланувчи (вакил)нинг хоҳиши ва талаблари биринчи навбатда, инобатга олиншини таъминлайди;

— давлат органларининг куч ва воситаларини тежашта ва улар фаолияти самардорлиги ошишига хизмат қилади;

— жамиятимизда шахслар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган янги зиддиятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади;

— давлатнинг маъмурий қонунчилигини ислох қилиш соҳасидаги сиёсати янада либераллашувининг ифодаси ҳисобланади.

Қўпгина хорижий мамлакатлар қонунчилигида маъмурий ишларни қўриб чиқиш жараёнида давлат жиноий таъқибининг анъанавий моделидан фарқ қилувчи хусусий айблов амалиёти мавжуд.

Масалан, маъмурий процесс жараёнида хусусий айбловлар тизими қўлланиладиган мамлакатлардан бири Германия қонунчилигида

кўра, шахслар ўзларига нисбатан йўл-транспорт ҳаракати ёки қурилиш соҳасига онд қонун бузилишлари юзасидан ваколатли органлар ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Агар мазкур вазиятда жабрланувчининг шикояти бўлмаса, маъмурий иш қўзғатилмайди. Яъни бунда фуқаролар маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашда диспозитив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга.

Францияда шахслар (шу жумладан, ташкилотлар) ўзларига нисбатан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маъмурий тергов бошлаш юзасидан шикоят қилиши мумкинлиги белгиланган. Бунда ҳуқуқи бузилган шахс ёки ташкилот маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича “хусусий айбловчи” сифатида маъмурий жараёнда иштирок этади ва ушбу процессда қонунлар ҳамда ўрнатилган тартибнинг бажарилишини кузатиб боради.

Швейцария қонунчилигида ҳам маъмурий процессда хусусий айблов тизими мавжуд. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки маъмурий акт ортдан ўзига нисбатан ҳуқуқлари бузилган ҳар қандай шахс ёки ташкилот ушбу ҳаракат ёки акт устидан судга даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

Шунингдек, Швеция маъмурий ҳуқуқбузарликларга онд кодексда хусусий айблов институтининг айрим элементлари мавжуд. Хусусан, йўл-транспорт ҳаракатини бузиш, қурилиш соҳаси ҳамда атроф-муҳитга зарар етказишга доир қатор нормалар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари фақатгина жабрланувчи ташаббус ёки мурожаати орқали қўзғатилади.

Англо-саксон давлатлари қонунчилиги амалиётда ҳам хусусий айбловга доир ишлар мавжуд. Жумладан, ҳозирги пайтда Буюк Британияда хусусий айблов бўйича ташкилий, молиявий ҳаракатлар юқорилиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар сабабли мазкур институтининг трансформациялашуви билан боғлиқ тенденциялар кузатишмоқда. Амалда эса ушбу давлатда бугунги кунда хусусий айблов институти, асосан, мишши характерга эга ижтимоий ҳавфи юқори бўлмаган, кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар (майда безорилик, ҳақорат ва бошқалар) доирасида қўлланиб келинмоқда.

Озарбайжон қонунчилигида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим тоифалари учун маъмурий жавобгарлиكنи белгилашда фақатгина жабрланувчининг шикояти асос бўлиши белгиланган. Атроф-муҳитни муҳофазалаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк ҳуқуқи ва бошқа шунга ўхшаш соҳалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар шулар жумласидандир.

Хорижий давлатларнинг маъмурий кодексларида мавжуд бўлган хусусий айблов институти қонун устуворлиги, адолатини таъминлашда давлат назорати ва жамоатчилик иштироки ўртасидаги мувозанатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи воситалардан биридир.

Ушбу институтининг афзалликларидан бири бу — фуқаролар учун ҳуқуқий ҳимоянинг қўпайишида, яъни улар бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил тарзда ҳимоя қилиши мумкинлигида.

Шу билан бирга, фақатгина жабрланувчининг шикояти ёки мурожаати асосидагина қўзғатиладиган маъмурий ишларда адолатини таъминлашда юзага келиши мумкин бўлган суиистеъмоллик ва салбий оқибатлар, масалан, фуқаролар томонидан бошқа фуқаролардан қасос олиш ёки факторларга асосланган даъволарнинг қўпайишига йўл қўймаслик учун бундай тизим қатъий тартибга солиниш мақсадиға мувофиқ.

Умуман, юқорида келтирилган таҳлиллар асосида қўйидагиларни амалиётга татбиқ этиш ўринли бўлади, назаримда:

— МЖТКда жабрланувчининг шикоятига асосан, маъмурий ишларни қўзғатишнинг тартиби ва асосларини ишлаб чиқиш;

— хорижий давлатлар маъмурий қонунчилиги таҳлили асосида МЖТКда жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган ишларни белгиллаш (масалан, ҳақорат, тўхмат, енгли тан жараҳати етказиш, эканзорларни пайҳон қилиш ва ҳ.к.);

— хусусий айблов институтини МЖТКда назарда тутиш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлар юзасидан илмий ва фундаментал тадқиқотлар ўтказиш;

— МЖТКда хусусий айблов институти асосида қўйидагиларни амалиётга татбиқ этилиши янги таҳтирдаги Конституциядаги инсон, унинг эркинлиги, шаъни, қад-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олди қадрият ҳисобланишига доир нормаларнинг маъмурий процессуал муносабатларда ўзининг кенг ифодасини топишига хизмат қилади. Шу билан бирга, хусусий айблов институтининг маъмурий қонунчиликка жорий этилиши билан шахсларнинг ҳуқуқий мавқеи янада муаммалланишига эришилади.



## Тараққиёт одимлари

Фарғона кўҳна ва бетакрор, қадим ва навқирон масканлардан. Гўзал табиа­ти, мусаффо ҳавоси, унумдор ерларини асрлар давомида кўз-кўз қилиб келаётган ажиб маскандаги муқаддас қадам­жо ва зиёратгоҳлар, тарихий обидалар фарғоналикларнинг ўтмиши, бугуни ва ёрқин келажагидан дарак беради.

2024 йил 11 сентябрь, 184-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz



# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ: ВОДИЙ ГАВҶАРИ

## Ҳар соҳада фаол ва фидойи фарғоналиклар меҳнати самараси ҳақида



Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

### Оддий рақам ортидаги ҳақиқат

Яқин-яқингача “оқ олтин” етиштириш ва хомашё экспорти бўйича олдинги сафларда эканимиз билан мактанар эдик. Аслида, минг машаққат билан етиштирилган ҳосилни сув текинга бериб юборардик. Кўламдан то кеч кузга қадар далада эдик, лекин меҳнатта яраша даромад ҳаминқадар эди. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 кило пахта толаси хомашё сифатида сотилса, унинг қиймати 1,5-2 долларни ташкил этади. Ундан ип-калага йиғирилса 3-4 доллар, мато тўқилса 8-10 доллар, тайёр маҳсулотга айлан­тирилса 25-30 долларгача қўшимча қиймат ҳосил бўлади.

Бир қарашда бу оддий арифметика. Аммо унинг замирида қанчадан қанча янги иш ўрин­лари, маданий ва маънавий инфратузилма тар­моқлари қуриш имконияти бор. Хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжирини яратиб, қўшилган қийматли саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқа­риш ҳажмини оширади, турларини кўпайтира­ди.

Вилоятда жорий йилнинг олти ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 33 триллион 372 мил­лиард сўмдан ошди. Бу йўналишдаги асосий кўрсаткичлар салмоғи саноат ва қишлоқ ҳўжа­лиги маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларида ҳам ик­юбий кўрсаткичлар кўлга қиритилганди эътиборли. Бунинг ҳисобига 328,5 минг аҳоли бандлиги таъминланди.

— Президентимиз ташаббуси билан пахта етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараёнини қамраб олган пахтачилик кластерлари фаолиятига асос со­линганига кўп бўлгани йўқ. Лекин бу йўна­лиш қисқа вақтда аграр соҳанинг “драйвери”­га айланиб улгурди, — дейди вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Дилшоджон Фозиллов. — Бунинг ҳисобига пахта хомашёси экспортига буткул барҳам берилди. Айни пайт­да вилоятимиздаги 12 та пахта-тўқимачилик кла­стери томонидан 310 минг 840 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш асосида 138 минг тонна тола, 21 минг 650 тонна ип-калагадан мато, 12 минг 720 тонна матонин бўйш, 1350 тонна тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қув­ватлари ишлаб турибди. Ислохотлар кўламини бир зум бўлса-да тўхтагани йўқ. Бунда чигит экишдан тортиб, ҳосилни йўқ қайта ишлаш, чорвачилик комплекслари қуриш борасида ис­тиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу­нинг ҳисобига яна 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган ҳаёт­бахш ислохотлар пахта толасининг умумий экспортдаги улушини сезиларли даражада қамайитириш имконини берди. Энди тола эмас, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар экс­порти амалга ошириляпти. Экспорт қилин­ган тўқимачилик маҳсулотлари тарқибинда пахта ипи, тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари асосий улушини эгалляпти. Бу йўналишдаги 200 турдан ортиқ тўқимчилик маҳсулотлари дунёнинг 60 дан зиёд мамла­кат­ка экспорт қилинмоқда. 2024 йилнинг ўзи­да қишлоқ ҳўжалигига 2,6 триллион сўмлик 450 та лойиҳа амалга оширилди.

Кўштепа туманидаги “Глобал текстиль индустрии” корхонасида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳисо­бига 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Риштон туманида россиялик тадбиркор ташкил этган “Kosto Line Holding” МЧЖ хорижий кор­хонаси томонидан барпо этилган, лойиҳа қий­мати 32 миллион доллар бўлган янги корхона бу борадаги имконият кўламини янада кенгай­тирди. 2021 йил июнь ойида тамал тоши қў­йилган корхона йилгига 20,6 минг тонна ип-ка­лага, мато, момиқ сочик, чойшаб маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Йиллик экспорт ҳажми 30 миллион доллардан ошди. 600 на­фардан ортиқ маҳаллий ёшлар Германия, Ита­лия, Туркия ҳамда Франциядан келтирилган юқори технологияли ускуналарни маҳорат билан бошқармоқда.

“Пахта хомашёсидан тайёр маҳсулотгача” бўлган занжирни қамраб олган бундай ишлаб

### Янги имкониятлар

Вилоятда ўтган йилнинг ўзида саноат йўна­лишида ўндан ортиқ замонавий корхоналарда бозориги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳам диққатга сазовор. Жумладан, Қувасой шаҳридаги “Кварц” акциядорлик жа­миятида 70 миллион доллар инвестиция ҳисо­бига йилгига 22 миллион квадрат метр қурилиш ойналари ишлаб чиқариляпти. Учкўприк ту­манидаги енгил саноат ва логистика маркази­да 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та дўкон, 560 та савдо шохобчаси фаолият юритмоқда. Натижада 7 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратилди. Мажмуада йилгига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Йиллик экспорт миқдори эса 18 миллион доллар­га тенг. Тумандаги 53 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги икки мингдан ортиқ хонадонда трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани инобатга олинса, мажмуаннинг ўрни қанчалик муҳимлигини англаш қийин эмас.

— Бу ерда ишлаб чиқариш учун керакли бўлган барча шарт-шароит яратилган, — дейди “Худоберхон-2022” оилавий корхонаси раҳба­ри Иродахон Содиқова. — Ҳаммаси бир жой­да. Кенг ва ёруғ хоналар, иссиқ ва совуқ сув, электр таъминоти билан боғлиқ шaroитлар маҳсулот ишлаб чиқариш турлари ва ҳажми­ни ошириш имконини бeraпти. Уй шарoити­да қишда печкага ўт қалаб кун ўтказганимиз. Электр таъминотидаги етишмовчиликлар фео­лиятимизга салбий таъсир кўрсатган. Бу ерда 40 та янги иш ўрни яратдик, 15 нафар хотин-қиз касаначилик асосида ишляпти. Авваллари ку­нига 30-40 дoна болалар кийими, футболлар тиккан бўлсак, бугунга келиб, бу миқдор 1000 дoнадан ошди. Утган йили Россия, Қозoғистон ва бошқа мамлакатларга 500 минг доллардан ортиқ маҳсулот экспорт қилдик.

Йил якунига қадар вилоят экспорт салоҳия­ти 1,1 миллиард долларга етади. Бу борадаги “драйверлик” роли кимё, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, чарм, фармацевтика, қурилиш мате­риаллари саноати ҳиссасига тўғри келмоқда. Биргина “Кўқон” эркин иқтисодий зонасида фойдаланишга топширилган 99 та лойиҳа ҳи­сoбига умумий қиймати 1 триллион 939 мил­лиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 68,3 миллион доллар миқдоридан маҳсулот экспортга йўналтирилди. Бугунги кунда умумий қиймати 341,3 миллион доллар-



лик 35 та йирик лойиҳада қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа­лар ишга туширилиши натижасида қўшимча 6515 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоят шаҳар ва туманларининг ҳар би­рини Хитой тажрибаси асосида саноатнинг аниқ йўналишига ихтисослаштириш ва сано­ат зоналарини ташкил қилишга киришилди. Бунинг ҳисoбига одамларга керакли шарoит яратили, тадбиркорлик инфратузилмаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эъти­бор берилляпти.

### Қудратимиз бунёдкорликда

“Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга бoқинг”. Асрлар қазир­дан бизга қадар етиб келган пурҳикмат бу гап оҳанрабо­си бугун баландроқ жарангаётгани рoст. Фарғoнада осмон билан бўйлашиб бoра-



Шароф Қорбoев oқoғи сурамлар

ётган бинолар, маданий-маиший иншоотлар, дам олиш масканлари ҳавасингизни келтира­ди. 2020 йилда 105 та кўп қаватли уй-жой қу­рилган бўлса, жорий йилга келиб, бу борадаги ишлар салмоғи икки ҳиссасга ошди. Фарғoнада ҳамманинг ҳайрати, эътиборига сазовор бўлган “Янги Ўзбекистон” массиви — э­кошаҳар қури­лишининг дастлабки бoсқичи якунланди.

169 маҳаллада 222 миллиард сўмлик қури­лиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Инвес­тиция дастури доирасида 53 та мактаб, 1 та ижод ва ихтисослаштирилган мактаб, 10 та мактабгача таълим ташкилоти, 20 та тиббиёт, 3 та спорт, 1 та олий таълим, 6 та йўл, 6 та сув, 10 та ирригация ва мелиорация, 10 та сел йўли қурилди.

Йил якунига қадар 220 та 8600 хонадонли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 397,6 километр автомобиль йў­лари ва 2 та кўприқда реконструкция ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, қулай­ликлар яратилди.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъмин­лашга бўлган эътибор ошди. Шу мақсадда 40 та аҳоли пунктида 124,5 километр ичимлик сув тармоқларини қуриш ишлари жадаллик би­лан олиб бoриляпти. Натижада аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 81 фоизга етказилди.

### Маҳалла ишсизликдан холи ҳудуд

Маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ташаббуслар кундан кунга кўчoқ ёймоқда. Натижада иқтисодийёти оғир ҳудудлар ривожланиб, одамларнинг бири ки­ми бўляпти. Энди у йўқ, бу йўқ, деб баҳона қидиришга ҳожат қолмади. Ишлайман, тўқин, фаровон яшайман, деганга ҳамма нарсa муҳайё.

Олти ой давомида Фарғона вилоятидаги 53 та маҳалла ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудга айланди. Бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолгани йўқ, албатта. Мавжуд масалалар ечи­ми энг қулни поғонага туширибди, “маҳалла еттиллиги” ташкил этилиб, унинг ҳуқуқ ва им­кониятлари кенгайтирилди. Одамларнинг бу тузилмага бўлган ишончи ортиб бoрмоқда. Уларга таъиниб, бамаслаҳат иш олиб бoри­лиш туфайли имтиёзли сармоёлар берилляпти, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, илгор тажрибалар оммалашляпти. Бугунга қадар 63 минг 896 нафар аҳоли доимий иш жойларига эга бўлди, 1727 нафари ҳақ тўланадиган жамо­ат ишларига жалб қилинди, 85 минг 813 нафари ўзини ўзи банд қилган сифатида давлат рўйха­тидан ўтказилди, 7130 якка тартибдаги тадбир­кор, 2640 ишсиз хунарамандчилик йўналишлар­ига жалб этилди. 17 мингдан ортиқ фуқарога ижара асосида ер ажратилди. Бугунга қадар бу йўналишларда жами 180 мингдан зиёд ки­ши­нинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 10 минг 331 дан ортиқ фуқарога ҳoқим ёрдамчилари тавсиясига кўра, 180,8 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағла­ри ажратилди. Ижтимоий ҳимоя дафтарларида рўйхатда туруви 2350 фуқарога 12,3 миллиард сўмлик меҳнат қуроллари, асбoб-ускуналар субсидия асосида олиб берилди. Бу имконият­лар аҳоли даромадини оширди, турмуш тар­зини ўзгартирди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, дарома­дини оширишда “Сайхунoбод тажрибаси”нинг ўрни қатта бўлмоқда, — дейди вилоят Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоқра ер эгалари кенгаши раиси Баҳoдир Абдурахмонов. — Йил якунига қадар ҳар бир маҳаллада 50 та­дан, жами 53,1 мингта хонадоннинг даромади­ни ошириш, уларда 10 тадан микролойиҳани шакллантириш белгиланган. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида аҳолига деҳқончилик учун ажратилган 602 гектар май­донга эга 55 та контурда 21 миллиард сўмлик

намунавий лойиҳалар амалга ошириляпти. Шу кунга қадар “қизил” тоифага киририлган 16 мингдан зиёд хонадон “сарик” ва “яшил” тоифаларга ўтказилди, 9200 дан зиёд камбағал хонадонлар даромади 1,5-2 миллион сўмдан ошди. Муҳими, амалга оширилгандан ислохот­лар қисқа даврда ўз самарасини бeraпти, одам­лар манфаат топмоқда.

### Қуёш тафтини ҳис этаётган одамлар

Аҳоли кўпайиб, саноат тармоқлари ривож­ланиб бoраётган бир шарoитда электр энергия­сига бўлган талаб ошиши муқаррар. Бу жара­ёнда муқoбил энергиялардан фойдаланиш энг самарали ечимдир. Жорий йилда вилоятда 1 миллиард 534 миллион киловатт электр энергияси, 684 миллион куб метр табиий газ иқтисoд қилиш режалаштирилган. Бу ишларни амалга ошириш учун электр энергияси соҳаси­да 14 та, табиий газ юзасидан 12 та йўналишини ўз ичига олган чoра-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу кунга қадар вилоятда 36 мега­ватт қуёш панеллари ўрнатилиб, ишга туши­рилди. Бунинг 15,8 мегавати маҳаллий тадбир­корлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Эътиборлиси, қуёш панеллари билан боғ­лиқ зарур жиҳозларни маҳаллий шарoитда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ана шун­дай истикболли лойиҳа Қувасой шаҳрида “Blue carbon” МЧЖ кўшма корхонаси томонидан амалга оширилди. Бу ерда қуёш панеллари, ёритиш ускуналари ҳамда уларни қувватлов­чи батареялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада импорт миқдори қамайиб, маҳсулот таннархи арзонлашди, сифати яхшиланди.

“Бунёдкор” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳудудида 10 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳисoбига барпо этилган корхонада йилгига 200 мегаваттлик қуёш панеллари, 150 минг дoна кичик қувватли қуёш панеллари, кўча чироқлари ишлаб чиқа­рилади. Янги корхонада бир вақтинчи ўзида 150 та доимий иш ўрни яратилди. Корхонада Хитойнинг “Shandong Blue Carbon Technology” компаниясидан келтирилган замонавий техно­логиялар ўрнатилган.

Президентимизнинг 2023 йил 16 фев­ралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энер­гия манбаларини ва энергия тежовчи техно­логияларни жорий этишни жадаллаштириш чoра-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида хонадонлар, тадбиркорлик субъек­тери бино ва иншоотларига, ижтимоий соҳа объек­тлари ҳамда давлат идораларига қуёш панеллари ўрнатиш ишлари изчил олиб бoрилмоқда, — дейди “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жа­мияти раиси Азизбек Сайдалиев. — Умумий қуввати 50 киловаттгача бўлган қуёш панелларини ўр­натган жисмоний шахсларга ўз истеъмолидан ортиб, ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир кило­ватт-соати­га 1000 сўмдан субсидия ажратил­моқда. Қуёш панеллари ўрнатган истеъмол­чилар онлайн равишда солиқ иловаси орқали ҳудудий электр тармоқлари билан шартнома­лар тузмоқда.

### Сувни тежаган вақтини тежайди

Сувни зар, сувчини заргарга қиёслашган. Бу бежиз эмас. Сайёрамизда она табият неъмат­и бўлган сув танқислиги долзарб масалага ай­ланиб бoраётган бугунги кунда бу кўҳна ибора қанчалик муҳимлигини илгaб олиш қийин эмас.

Фарғона вилояти қишлоқ ҳўжалиги тар­моқларида сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш кўлами йилдан йилга кенга­йиб бoрмоқда. Сугориладиган асосий экан

майдонлар қўшни республикалардан оқиб кe­лувчи Норин, Исфайрам, Шoҳимардон, Сўх ва Исфара дарёларига боғлиқ. Бу сувнинг ҳар том­чисидан самарали ва мақсадли фойдаланишни талаб этади.

2018 йилда вилоятдаги 1179 гектар ерда замонавий сугориш технологиялари жорий этилган бўлса, бугунга келиб, бу миқдор 85 минг 772 гектарга етди. Жорий йилнинг ўзида 42 минг гектар ерда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниши ҳисoбига 195 миллион куб метр сув иқтисoд қилинди. Натижада сув сар­фи 40-50 фоиз, минерал ўғитлар 25-30 фоиз, ёқилғи-мойлаш ашёлари 30-35 фоизга тежал­ди, ҳосилдорлик салмоғи 30 фоизга ошди.

“Сирдарё — Сўх” ирригациялар тизимла­ри ҳавза бошқармаси бошлиғи Фахриддин Турсуновнинг айтишича, бу борадаги ишлар самарадорлигида давлат томонидан қўлаб-қувватланганди, яъни субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилгани қўл кeлмоқда. Замо­навий сугориш технологияларидан фойдала­нилган пахта майдонларининг ҳар бир гектари учун 12 миллион сўмгача, ёмғирлатиб сугориш технологиялари жорий қилинган майдонларга 9 миллион сўмгача, дискретли сугориш техно­логияси йўлга қўйилган майдонларга 4 милли­он сўмгача субсидия ажратилляпти.

Бундан ташқари, сугоришда тежакор усул­лар ҳақидаги ахборотларга тежорлик билан эга бўлиш, афзалликларини тушунириш ҳамда су­вни тежайдиган технологияларни жорий этиш­нинг таҳминий баҳoсини ҳисoблаш имконини бeraвчи “Томчи” мобил иловаси яратилди. Сув­ни тежайдиган технологияларни жорий этиш ишларини сифати амалга оширган ҳамда бoзoр иқтисoдийётида эркин рақoбат талабларига тў­лиқ жавoб бera оладиган пудрат таъминотла­рининг ягона электрон реестри — “Томчи-реестр” платформаси ишга туширилди. Мазкур плат­формада белгиланган мезонлар асосида пудрат



корхоналарининг индикатор кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, мобил иловада зълон қилиб бoрилади. Натижада сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этадиган қишлоқ ҳў­жалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, қурувчи-пудрат корхоналарининг индикатор кўрсаткич­лари билан танишиш ва шаффоф иш олиб бoриш тизими йўлга қўйилди. Аҳоли томоқрасини сув билан таъминлаш мақсадида ўтган олти ойи­да 27 дoна қатта ҳажмли тик кудўқ қазилиб, 945 та аҳоли хонадонининг 56 гектар томоқра майдони сув билан таъминланди.

### Туризм ҳалқаси яратилади

Фарғона кўҳна ва бетакрор, қадим ва нав­қирон масканлардан. Гўзал табиа­ти, мусаффо ҳавоси, унумдор ерларини асрлар давоми­да кўз-кўз қилиб кeлаётган ажиб маскандаги муқаддас қадам­жо ва зиёратгоҳлар, тарихий обидалар фарғоналикларнинг ўтмиши, бугуни ва ёрқин келажагидан дарак беради.

Кейинги йилларда аждодларимиздан қoл­ган бой маънавий-маданий ёдoрликлар, осoри атиқалар, бетакор табиятимизга дунё ҳамжа­мия­тининг қизиқиши ортиб бoрмоқда. Натижада туризмнинг янги йўналишлари, турларига асос солинди.

Марғилон ипак матолари, Риштон кулол­чилиги, Кўқон ёғоч уймакорлик намуналарининг ўтмиши ва бугунги куни асрлар давомида дунё ҳамжамиятини ўзига мафтун этиб кeлади. Бу йўналишларда туризм объек­тлари ташкил этилгани хорижлик сайёҳларда қатта қизиқиш уйғотмоқда.

2024 йилда вилоятга кeлаётган хорижий ту­ристлар 450 минг нафарга, ички сайёҳлар сони 3 миллионга етди. Бунинг учун ҳoзиргача умумий қий­мати 302 миллиард 635 миллион сўмлик 45 та лойиҳа ишга туширилиб, 821 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, қиймати 560 миллиард сўмлик 38 та 3, 4, 5 кoлдузли меҳмонхоналар фео-

лиятини йўлга қўйиш ҳисoбига 1710 та ўрин жой ва 649 та янги иш ўрни ташкил этиш ишлари да­вом этмоқда. Бу лойиҳалар ишга тушса, вилоятда жойлаштириш воситалари сони 386 тага, қар­мови бир вақтнинг ўзида 7281 тага етказилади.

Кўқон шаҳрида “Baraka International Trade Group” МЧЖ томонидан умумий қиймати 130 миллиард сўмлик “Туризм ва хунарамандчи­лик” маркази ташкил этилди. Бу ерда замона­вий меҳмонхона, хунарамандлар савдо маркази, болалар ўйингоҳи ва бошқа кўнгулчoар хиз­матлар бўлади. Фарғона шаҳрида барпо эти­лаётган “Экошаҳар”да Япониянинг “Miscado Development” компанияси томонидан 3 гектар майдонда умумий қиймати 182 миллиард сўм­лик “Shogun city” япон боғи ташкил этилмоқда.

— Ишга солинмаган имкониятларимиз кўп, — дейди вилоят туризм бошқармаси бош­лиғи ўринбосари Музаффар Темиров. — Ҳу­сусан, маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳудудга жалб қилиш, Шoҳимардон қишлоғи­да йирик туризм зоналарини ташкил этиш, Фарғона шаҳридан вертолёт катновини йўл­га қўйиш каби хизмат турларини, экстремал туризмни ривожлантириш, “Каркидон” сув ҳавзасида янги туризм иншоотлари, дам олиш масканлари қуриш билан боғлиқ долзарб мас­салаларга эътибор қаратяпмиз. Бу йўналишда кино, ҳўжжатли фильмлар яратиш, маданият масканлари, муқаддас ва тарихий қадамжо­лар, истироҳат боғлари иш кўламини яна­да жонлантириш, жoзибадорлиги борасида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бун­дан ташқари, эксклав ҳудудлар ҳисoбланган Сўх тумани, Риштон туманининг Чўнғара ва Фарғона туманининг Шoҳимардон қишлоқла­рига Қирғиз Республикаси орқали 1Д карта билан ўтиш тизими жорий қилингани ташриф бoураётган сайёҳлар учун жуда қатта енгил­ликлар берди. Янги тартиб жорий қилинунга қадар бир кунлик сайёҳлар ўтиш ҳажми 2500



нафарни ташкил этган бўлса, ҳoзир улар сони кескин ошган. Сўх туманида ташкил этилган аэродрoмда Фарғона — Сўх — Фарғона йи­налишда “Humo air” авиакомпанияси томони­дан авиақатновлар сони ҳафта­сига 4 марта­ба амалга оширилмоқда.

Фарғона туризм салоҳия­тининг ўзига хос жиҳатларида яна бири сўлим табият, зилол сувли қишлоқ ва маҳаллалар билан бeвoсоти боғлиқ. Бунда ҳудудлар салоҳия­тидан келиб чиқиб, маҳаллий ва хорижий туристларга қу­лай шарт-шaroитлар яратишга алоҳида эъти­бор қаратилмоқда. Маданий, эъ, этно, зиёрат йўналишларида Воғл, Аввал, Саткак маҳал­лалари, тиббиёт туризмидо Олтиариқ тумани Қизилтепа қишлоғида туризм маҳалласи, тарихий-маданий, хунарамандчилик, зиёрат туризми йўналишларида Риштон туманининг Мискин, Чиннигарон маҳаллалари танлаб олинди, Марғилон шаҳридаги Ерқин маҳалла­сига “Хунарамандлар маҳалласи” номи берил­ди, Қува туманида жойлашган “Каркидон” сув омбори, Олтиариқ туманидаги 5 та ва Фарғона туманидаги 7 та дам олиш сикатгоҳи ўзининг булоқ сувлари ва лой усули орқали даволаш каби хизмат ва дам олиш лойиҳаларини тақлиф қилмоқда.

Фарғона водийси билан яқиндан таниш­моқчи бўлган сайёҳлар учун Фарғона, Ан­дихон, Наманган вилоятларининг туман ва шаҳарларини боғловчи “Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси” туристик йўналиши ишлаб чиқилди. Ҳалқара аҳамиятга эга бўлган “Ягона туризм коридори”, А-373 магистрал йўллари ёқасида туризм инфратузилмасини ташкил этиш каби истикболли лойиҳалар, янги ташаббуслар қўлаб-қувватланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, фарғоналиклар мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар соҳада фаол ва фидойилик кўрсатиб кeл­моқда. Бу шу тур одамларига манфаат келтир­моқда, бугун кечагидан кўра фаровон, эмин-эркин яшаш имкония­тини бeraпти.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz

Таълим сифатини оширмасдан туриб, келгусидаги иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди. Шу боис, бугун барча зарур куч ва ресурсларни таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга йўналтириш лозим.

Зотан, таълим ва илм-фан ривожини — тараққиёт гаровидир.

КЎЗГУ

5

2024 йил 11 сентябрь, 184-сон

Ислохотлар амалда

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖОЗИБАСИ

## педагог маҳорати орқали ошади

Университетга кириш имтиҳонларига тайёргарлик пайтларимни эсласам, бир хонага қамалиб тест ёдлаётган 30-40 ёш-яланг кўз олдимга келади. Ҳа, биз битта қўлланмадан фойдаланиб, дафтарга барча маълумотларни ёзиб олиш орқали билим олар, ўрганар эдик. Фақат тест ишлаб, кўр-кўрона ёдлаганимиз бор гап. Бугун ўзим олийгоҳ ўқитувчиси сифатида таққослай оламаники, ҳозирги давр кечагидан буткул фарқ қилади. Катта ислохотлар натижасида таълим тизими янгиланишларга юз тутди. Бинолар кўринишидан тортиб, кадрлар салоҳиятигача алоҳида эътибор қаратила бошлади. Олий таълим муассасалари янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, техник ускуналар билан таъминланди. Кўрғазмали қуроллар билан жиҳозланган аудиторияларга қараб, қайта-қайта ўқигиси келади одамнинг.

Сўнгги йилларда соҳадаги қонунчилик базаси ҳам сезиларли равишда такомиллашди. Хусусан, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатда педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилди. Меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ғимоя қилиш тамойиллари кўрсатилди. Ушбу қонунга мувофиқ, педагогнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш тақиқланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Таълим сифатини оширмасдан туриб, келгусидаги иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди. Шу боис, бугун барча зарур куч ва ресурсларни таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга йўналтириш лозим. Зотан, таълим ва илм-фан ривожини тараққиёт гаровидир.

Соҳада бошланган ислохотларни изчил давом эттириш биз — профессор-ўқитувчилар зиммасидаги асосий вазифалардан бири. Шундай экан, таълим сифатида жиддий эътибор қаратиш, мамлакатимиз келажагини етук кадрлар билан таъминлаш, илмий салоҳиятини кўтариш, соҳа жозибадорлигини мунтазам ошириб боришимиз шарт.



Маъсума МЎМИНОВА,  
Шахрисабз давлат педагогика  
институтини катта ўқитувчиси

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги даврда олий таълим муассасалари олдида замонавий касб ва кўникмаларга эга, рақобатбардош кадрлар етказиб бериш каби янгича талаблар қўйилади. Бу борада магистратура, таянч докторантура, докторантурага кириш талаблари соддалаштирилгани муҳим қадам бўлди. Давлат олийгоҳларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммаси давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан қўллаб берилиши минглаб хотин-қизларнинг билим олиш йўлидаги орзу ва истagini рўёбга чиқара бошлади. Узоққа бормайлик, ўн йил илгари шартнома асосида ўқишга кириб, лекин уни тўлашга имкони йўқлиги ёки оилавий шароити тўғрисида келмагани боис олий таълим олиш орзуси армонга айланган қизлар қанча?! Тан олиш керак, уларнинг кўни яна бир йил тайёргарлик кўриб, қайта имтиҳон топшириш имконидан мосуво бўлди — турмушга чиқиб кетди.

Бундан ташқари, тизимга доир яна бир муаммо олий таълим билан ишлаб чиқариш ўртасида интеграциянинг тўғри йўлга қўйилгани бўлди, десак янглишмаймиз. Сабаби ҳамкорликсиз юқори малакали, замон талабидоғи кадрлар тайёрлаш қийин.

Ёшлар минбари

## ОЛТИН ОРАЛИҚ

### КАТТАЛАР ТАЖРИБАСИ ВА НАВҚИРОН АВЛОД ШИЖОАТИ УЙЎН БЎЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ

Арасту “Риторика” асарида “Ёшлар ўзини юксак тафаккурга эгадек тутати, камтарлик нимадигини билмайди, натижада тажрибасизлиги сабаб кўп вайсаб қилади. Ҳамма нарсани биламан деб ўйлайди ва бунга қаттиқ ишонади”, дея таъна қилади.

Салкам икки ярим минг йил аввал яшаб ўтган юнон файласуфи Суқрот эса бундай ёзғиради: “Бугунги ёшлар дабдабани яхши кўради. Хулқи жуда ёмон, катталарга беҳурматлик қилади ва ўқиб ўрнига бир-бири билан гаплашиб ўтиради. Ҳозирги болалар ўйининг итоткор хизматчиси эмас, эҳтимол хўжайинига ўхшайди. Хонага катталар кирса, ўрнидан турмайди. Ота-оналарига қарши боради, стол атрофида овқатни фаросатсизларча еб, оёқларини чалиштириб ўтиради”.

Бундан ҳам қадимийроқ шикоят шумерлик отанинг ўғлига қилган насихатидир. Сибсатчи Томас Барнс 1624 йили ёзилган “Доннишманднинг ёвуз вақтга қарши башорати” асарида муаллиф ёшларнинг тобора масъулиятсиз бўлиб кетаётганини хусусида сўз очади.

Ҳеч бир давр ёшларга қилинган арзлару норозиликларсиз ўтмаган. Барчасини бирлаштириб турадиган хусусият шундаки, ҳар бирида ёшларнинг дағдаси, қўлоқсиз, беҳаё, беқарор, беттаҷоҳлар, кийинишда очик бўлиб кетаётгани ҳақида гап боради.

Икки давр ва мафкура тўқнашувидеа кечадиган жараён хайратланарли даражада ҳозирга қадар ўзгармаган. Ҳозир ҳам ёшлар катталар томонидан кўп танқид қилинади. Тарбиясиз бўлиб кетаётгани, ўзиндан катталарни беҳурмат қилиши, ижтимоий тармоқлардаги уятсиз хатти-ҳаракатлари ва ҳоказо.

Тўғри, кўплаб ўсмирларнинг енгил-елпи, мақсадсиз ҳаёт кечиришга уринишини ёқлаб чиқмаслик, аксинча, улар учун мақбул йўлни кўрсатиш ёши улугъ ҳар одамнинг инсоний вазифаларидан биридир. Аммо бу кўринишдаги насихатлар ўсиб келаётган келажак авлоднинг аксарият қисмига кор қилмаслигини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. Масалала ечим топишда, аввало, катталар ўз ёшлигини унутмаган ҳолда тарозини палласини тенглаштирсин, адолат нуқтани назаридан тўғри бўлади, назаримизда. Улар шунчаки олдин мана шу қўни қайноқ ёшлардан фарқ қилмаганини унутиб қўйган, холос.

Яқинда қишлоққа, бобомникига борганимизда, набиралар оилавий фотосуратларини томоша қилдик. Елкага тушган сочлар, пойчасини кенг шимлар, “хиппи” қўйлақлар, ялтироқ “ковбой” туфиллар — оқ-қора суратда бобомнинг навақирон ҳамда айлани ҳолатидан буткул фарқ қиладиган тасвири туради.

Бир пайтлар бебош ёшликни яшаган катталар бобом сингари бугунги оғир-босиқ ва хотиржам ҳолатига етганига қадар бўлган йўлни ҳозирги ёшлар ҳам эртани-кеч бариб-бир босиб ўтганини ҳисобга олмайд.

Катталарнинг уларга муносабатидан ёшлар ҳали улайғай туриб, жиддий, шахсияти ҳар тарафдан қайчиланган, тунд кишига айланиб қолиши керакдек таассурот уйғотади. Орада ҳали кечиб ўтишли керак бўлган йигирма йиллик кечинмалар уларнинг

кўзига кўринмайди. Катталар бир пайтнинг ўзидеа ёшларда ҳаётини тажриба йўқ, дейди, лекин уларда ҳали ҳаётини тажрибалар етарлича йингилмаганини инобатга олмайд.

Тахминан 90-йиллардан кейин кириб келган интернет, глобализация ва технология тараққиёт постиндустриал цивилизация оstonасидаги ёшларнинг ҳаётига сезиларли таъсир ўтказиши эвазига улар билан аввалги давр одамлари ўртасидаги алоқа шакллари тамоман ўзгариб кетди. Халқаро коммуникация, ахборот маконининг ҳақ-ҳудудсиз имконияти, сунъий онг технологияси натижасида шиддат билан ўзгариб бораётган қадриятлар ўн йил аввалги ва ўн йил кейинги авлоднинг қарашларида, ҳаётта муносабатидеа катта пўртаналар ҳосил қилди. Ахборот авлоди ижтимоий муносабатлар борадида ундан олдинги авлод билан бирдек бўлмаслиги аёнлашди. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, виртуал оламда ёшлар ўз яшаш шароити нисбатан яхшироқ ва кўпроқ муваффақиятга эришган бошқа тенгдошларига қийслагани, солиштирилиши, бир пайтнинг ўзидеа мотивация олиши ҳамда кўпроқ стрессга тушишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга, албатта, пул асосий қадриятга айлانган, материалистик қарашлар биринчи ўринга чиққан тизим ҳам ҳисса қўшади. Алаҳқибат, исталган ёшдан режалар ҳақида сўраганимизда унинг истаклири кўп ҳолдада моддий билан боғлиқ бўлади: чиройли уй, яхши машина, моливий барқарорлик ва ҳоказо.

Тобора ўсиб бораётган яхши яшаш шароитига эришиш оson эмаслиги ёшларнинг келажак ҳақида ташвишли кайфиятда юришига сабаб бўлади, чунки бу уларнинг ўзлари хоҳлаган ҳаётга эришишни қийинлаштиради. Мана шу сабабдан интернетнинг кенг имкониятларидан фойдаланиб, бор қўбилиятини ишга солиб, ағъанавий касб эгалари — ўқитувчи, шифокор, банк ходими ва бошқалардан кўпроқ пул топаётган ёшларнинг хулқини мувоzanатда сақлашга уринаётганлар уларга нари борса маънавият Дон Кихотлари бўлиб кўринади ва, табиийки, улар тизимнинг характерини ўзгартирмайд.

Хўш, унда нима қилиш керак? Ёшлар ёш бўлгани учун ҳам катталар томонидан ташаббус кўрсатилиши зарур. Акс ҳолда ўсмирларда босим бераётган томонга нисбатан нафрат пайдо бўлади. Шу сабабдан ҳам бу борада ёшлар билан уларга энг яқин кишилар бўлган ота-оналар шугулланиши лозим. Бирок сўқини, бали, кўрқатиш ёки жазолаш усуллари билан эмас, уриш ҳамдард дўст, тарбиячидек муомалада бўлиши зарур. Ескин ва қаттиқ чоралар ҳеч қайси томонга фойда келтирмайд.

Гапнинг пўсткалласини айтганда, ёшларнинг ҳаммаси бирваракайига бузилмайди. Бу бир донда писта пуч эканини олиб, ҳамма пистани ташлаб юборишдек мантқиқсиз хулоса. Ёшлик табиятан муқаррар бебошлик даври. У дағдасалик, ахмоқлик каби ёрлиқларни ёпиштириш билан эмас, тажрибасизлик, қийққонлик ҳамда турбулентлик билан изохланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундоқ ҳам дафт ўтиши билан масъулият ёшларни улайғайтиради, сойтақдамлик, сабр-тоқат, ҳурмат каби феъл-атворларни шакллантиради.

Бу жараён ҳаммаининг бошидан ўтиши турган гап, фақат улайғайлар ўзи қандай бўлганини унутмаслиги керак. Ёшларга озорқ вақт ва холи бўлиш имконини бериш авлодлараро фарқлар муvozanатда сақланишига имконият яратеди. Биз катталарнинг тажрибаси ва ёшларнинг шижоати ўртасида уйғунлик бўлиши тарафдоримиз, холос. Агар бир авлод иккинчисига нисбатан норозини кайфиятда бўлишда давом этса, бас, тараққиёт орқага сурилаверади.

Азизбек ЮСУПОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сизни Ватан кутаётир!



## ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Ўзга юртда, яқинлардан йироқда яшаш оson эмас. Ота-она, фарзандлар соғинчи билан тонг оттириш, яхши-ёмон кунларда уларнинг ёнида тура оламслик изтироби бегона юртда йиллаб яшаётганларга таниш ҳиссиёт. Аслида, ҳеч ким иссиқ уйини ташлаб ўзга юртга кетгиси келмайди. Аммо тақдир ризқ-насибани ўша жойларга сочган, бир муддат муҳожирликда умргузаронлик қилиш қисматга ёзилган бўлса начора. Ҳаётнинг бу каби аччиқ синовлари аёл чекига тушиши янаям оғриқли.

Бирини икки қилиш, уй қуриш, тўй қилиш, бола-си олий маълумот олишини таъминлаш орзусида чет элга иш излаб чиқиб кетган аёлларнинг ҳаммаси ҳам хорижда яхши шароитда, тўқис ҳаёт кечиряпти, деб айта олмаймиз. Ўзга юртнинг қонун-қоидалари, тартиб-таомилларини билмай, нохуш вазиятларга тушиб қолганлар, ёлғизликда тақдирнинг яхши кўнига ҳам, ёмон кўнига ҳам кўниб яшаётганлар бор. Нима бўлганда ҳам улар Ўзбекистон фўқароси. Ҳеч ким давлат эътиборидан четда эмас.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида хорижий мамлакатларда оғир вазиятга тушиб қолаётган ўзбекистонлик аёлларга ҳар томонлама қўмак кўрсатиш, хорижий дипломатик ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш ва сайёр қабуллар ташкил этиш ҳамда муаммоларни бартараф этиш вазифаси белгиланган.

Ана шу мақсадда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари хорижий мамлакатларда юрган аёл муҳожирлар географияси ва рўйхатларини шакллантириш, улар билан суҳбат ўтказиб, муаммоларини аниқлаш, зарур ҳуқуқий қўмак кўрсатиш, уларнинг оила-ларини, хусусан, вояга етмаган фарзандларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш юза-сидан иш олиб бормоқда.

— Хорижий давлатларга ишлашга кетиб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёллардан муvожатлар келиб туради. Кимдир бегоб бўлиб қолган-у аммо юртга қайтишга имкони йўқ, кимдир ҳужжатларини йўқотган, меҳнат фаолиятига жалб этилиб, ёмон шароитга тушиб қолган аёллар бор. Уларнинг муаммоларини ўрганиш, сабабларини аниқлаш ва ёрдам бериш мақсадида шу йилнинг апрель ойида ҳамкор ташкилотлар билан бирга Туркияга бордик, — дейди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Мукаррам Нурматова. — Истанбул ва Бурса шаҳарларида турили сабабларга кўра, қийин вазиятга тушиб қолган ўзбекистонлик аёллар билан учрашувлар ўтказилди. Уларнинг яшаш тарзи, меҳнат фаолияти, имкониятлари, орзу интилишлари билан қизиқдик.

Аёллар билан суҳбатлашарканмиз, фаолиятимизда ўзига яраша камчиликлар борлигини ҳис қилдим. Биз юртимизда яратилган шароитларни етарлича тарғибот қила олмаймиз. Суҳбат чоғида бир аёл “Мен қизимнинг олий таълим олишига қўмаклашишим керак. Контракт тўлови учун хорижда ишлашга мажбурман”, деди.

2020 йилдан бошлаб кам таъминланган оилалар қизлари учун “Ижтимоий лифт” тамойили асосида хотин-қизларни олий таълим муассасаларига қамраб олишни кенгайтириш мақсадида 4 фозилик квота жори этилган. Шу вақтга қадар 7 мингга яқин хотин-қиз мазкур имтиёздан фойдаланиб, давлат гранти асосида олий таълим муассасаларида ўқиш имкониятига эга бўлди.

2022 йилдан бошлаб давлат олий таълим муассасаларининг магистратурасида тахсил олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт миқдорини қоплаш тизими йўлга қўйилди. Шу кунга қадар магистратура босқичида тахсил олаётган 14 мингдан ортиқ қизнинг тўлов шартнома маблағлари давлат бюджетте томонидан қопланди. Мазкур мақсадлар учун давлат бюджеттедан 214 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Биргина 2023 йилда 181 минг 500 дан зиёд талаба қизга 7 йил муддатта фозисиз таълим кредити берилди. Яратилаётган бундай шарт-шароитдан беҳабарлик аёлларимизнинг ўзга юртда сарсон-саргардон бўлиб юришига қисман сабаб бўлмоқда дейиш мумкин. Шу боис, учрашувларда опа-сингилларимизга ана шу имтиёз ва имкониятлар ҳақида сўзлаб бердик. Улар юртимизга қайтса “Аёллар дафтари”га киритилиши, иш билан таъминланиши, ҳаётто мусофир юртдагидан кўра, кўпроқ маош олиши мумкинлигини тушуинтирилди.

Мазкур учрашувлар давомида 255 аёлнинг муаммолари ўрганилди, тўрт нафарига қонуний яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар шакллантирилди, 100 дан ортиқ аёлга ҳуқуқий, 35 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўп аёллар борган давлатнинг тили, қонуларини билмагани учун оғир вазиятга тушиб қолган. Учрашув чоғида уларга бу борада зарур билим ва тушуинчалар берилди. Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизлар учун яратилган имконият, имтиёз ва шарт-шароитлар

билан таништирилди. Суҳбат жараёнида 7 нафар хотин-қиз дарҳол уйга қайтиш истagini билдирди. Кейинроқ эса яна 30 нафар хотин-қизнинг юртга қайтишга қўмак берилди.

Хорижда ишлаш истagini билдирган юртдошларимизни муносиб шароит ва маош тақлиф этадиган иш жойлари билан таъминлаш жараёни йилдан йилга такомиллашмоқда. Юртдошларимизнинг касб-хунари ва хорижий тилларни ўрганиши учун зарур барча шарт-шароит юқори даражада ташкил этилган.

Таъки меҳнат миграцияси агентлигида қаерга ишга бормоқчи бўлса, ўша ернинг тили, тартиб қоидалари бепул ўргатилади. Расмий равишда чет элга кетиш имкониятлари, хавфсиз миграция қоидалари билан таништирилади.

— Ҳали бу борада жуда кўп ишлашимиз керак, — дейди Мукаррам Нурматова. — Давлатлараро қонунларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш, келишувларга эришиш, норасмий кетганларнинг ҳақиқий сонини аниқлаб, уларни имкон даражасида юртга қайтариш чорасини кўриш зарур.

Бу борадаги муаммоларни ўрганиб, ҳамкор ташкилотлар билан чора-тадбирлар дастурини кўрсатиш, уларнинг оила-ларини, хусусан, вояга етмаган фарзандларини аниқлаб, уларни имкон даражасида юртга қайтариш чорасини кўриш зарур.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида Туркияда вақтинча меҳнат қилаётган аёллар учун 2000 та бадий адабиёт соғва тарикқсида юборилди. Токи бу китоблар аёлларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилсин.

Шунингдек, оилалар ва хотин-қизларга кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини ошириш, шаффофлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш ва тезлигини ошириш учун ушбу соҳани рақамлаштириш мақсадида “Хотин-қизлар.uz” ягона интерактив миллий платформаси ишга туширилган.

Унда ташкил этилган “Аёл-қўмита” электрон модулига тоифаларга тўғри келмагани сабабли “Аёллар дафтари”га киритилмаган, бироқ бугунги кунда муаммоларини ҳал қилишга муvтож хотин-қизларни аниқлаш, тизимли ёрдам беришни ташкил этиш, миграциядаги хотин-қизларнинг оиласи ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига манзилли қўмаклашишни ташкиллаштириш борасидаги маълумотлар киритилган.

Ҳаққимизда “Ўз уйинг — ўлан тўшагин” деган гап бор. Оиласи, фарзандлари бағрида, бориға қанот қилиб яшашга нима етсин? Ахир бола тарбиясида онанинг ўрнини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Шундай экан, аёлларнинг ўз юртида, яқинлари ёнида бўлиши меҳрли, фазилатли ҳатти-ҳаракатларнинг қамолга етишига хизмат қилади.

Хозирги кунда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан 9 мамлакатда сайёр қабул ўтказиш ва мигрантларга аминий ёрдам бериш бўйича ишлар кўзда тутилган. Шунингдек, ота-онаси ўзга муvдат бўлса давлатларга чиқиб кетган болаларнинг назоратсизлиги, турли салбий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, вояга етмаган болани олиб қолган қариндошлар масъулиятини ошириш мақсадида бола билан манзилли ишлаш йўлга қўйилади. Ота-она вояга етмаган фарзандларини яқин қариндошлари қарамоғига ташлаб, узоқ муддатта бошқа давлатларга чиқиб кетаётганда ҳар бир вояга етмаган болага васий (ҳомий) белгилаш, васий ёки ҳомийлик белгиланмаган ота-онанинг бошқа давлатларга узоқ муддатта чиқиб кетишига чеклов белгилаш тартибинини ишлаб чиқиш тақлиф этилмоқда.

Ўзга юртда вақтинчалик бўлиб турган хотин-қизлар билан телеграм тармоғи орқали амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган имтиёзлар ва янги иш ўринлари, фарзандларнинг тарбияси тўғрисида суҳбатлар олиб бориляпти. Натижада бугунги кунда кўплаб хотин-қизларни чет давлатдан ўз оиласига қайтарига эришилди. Бу эса опа-сингилларимизнинг ўзга юртда сарсон-саргардон бўлмаслиги, оилаларнинг бутунлиги, фарзандларнинг она меҳрини баҳраманд бўлиб вояга етиши демакдир.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



